

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ВИРУСОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**КАСИМОВА РАЪНО ИБРАХИМОВНА**

**ОИВ ИНФЕКЦИЯЛИ БЕМОРЛАРДА МАРКАЗИЙ АСАБ ТИЗИМИ  
ЗАРАРЛАНИШИ БИЛАН КЕЧАДИГАН ОППОРТУНИСТИК  
ИНФЕКЦИЯЛАРНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ,  
ТАШХИСЛАШ ВА  
ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.10-Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Касимова Раъно Ибрахимовна**

ОИВ инфекцияли беморларда марказий асаб тизими зарарланиши билан кечадиган оппортунистик инфекцияларнинг клиник-патогенетик хусусиятлари, таъхислаш ва даволашни оптималлаштириш..... 3

**Касимова Раъно Ибрахимовна**

Клинико-патогенетические особенности, оптимизация диагностики и лечения оппортунистических заболеваний с поражением центральной нервной системы у больных ВИЧ-инфекцией ..... 25

**Kasimova Rano Ibrahimovna**

Clinical-pathogenetic features and optimization of diagnostics and treatment of opportunist diseases with central nervous system damage in patients with HIV infection..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 49

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ВИРУСОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**КАСИМОВА РАЪНО ИБРАХИМОВНА**

**ОИВ ИНФЕКЦИЯЛИ БЕМОРЛАРДА МАРКАЗИЙ АСАБ ТИЗИМИ  
ЗАРАРЛАНИШИ БИЛАН КЕЧАДИГАН ОППОРТУНИСТИК  
ИНФЕКЦИЯЛАРНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ,  
ТАШХИСЛАШ ВА  
ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.10-Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Tib198 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Вирусология илмий-текшириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Мусабаев Эркин Исакович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Худайкулова Гульнора Каримовна**

тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Маджидова Якутхон Набиевна**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Дмитраченко Татьяна Ивановна (Белоруссия)**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Эпидемиология марказий илмий тадқиқот институтининг ОИТСга қарши курашиш ва профилактикаси бўйича Федерал илмий-услубий марказ (Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй Тел./факс: (99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru). Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1 қават, 7-хона. Тел./факс: (99878) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Л.Н. Туйчиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.У. Таджиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б. М. Таджиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертцияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ)-инфекцияси билан хасталанган беморлардаги марказий асаб тизим инфекцияси айниқса, иқтисодий ва тиббий хизмат самардорлиги пасайган, ташхислаш имкониятлари чегараланган мамлакатларда «...вирусларга қарши даволаш жорий этилганлигига қарамасдан, беморларда критик ҳолат ва ўлимнинг асосий сабаби бўлиб ҳисобланади. 40-70% беморларда асаб тизимининг шикастланиш белгилари кузатилиб, улар касалликнинг биринчи клиник белгилари бўлиши мумкин...»<sup>1</sup>. ОИВ-инфекциясида асаб тизимини шикастланиши (МАТ) беморларнинг ҳаёт давомийлигини белгилаб берувчи омил бўлиб ҳисобланади ва ташхислаш, даволаш ҳамда олдини олишни такомиллаштириш ўта долзарб ҳолатда намоён бўлади. Жаҳонда ОИВ-инфекциясида «..МАТ шикастланишини этиологияси, клиник белиглари баҳолаш, ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришни ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда кўпроқ оппортунистик инфекциялар билан боғлиқ бўлган миянинг шикастланишлари учрайди. Ривожланган мамлакатларда антиретровирус терапияни кенг қўллаш натижасида биринчи ўринга ОИВ билан ассоцирланган нейрокогнитив бузилишлар чиқади, уларнинг сони эса 30%дан 80%гачани ташкил этади...»<sup>2</sup>. Улар эрта ташхислашнинг муҳимлигини, беморни юритиш тактикасини танлаб олиниши, профилактик чора-тадбирларни белгилаб беради, бу эса ҳаёт сифати ва даволашга бўлган зуруратни акс эттиради.

Жаҳонда ОИВ-инфекцияли беморларда МАТ зарарланиши билан кечадиган оппортунистик инфекцияларнинг (ОИ) клиник-патогенетик хусусиятлари, ташхислаш ва даволашни оптималлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада юқумли касалликларни эндоген ва экзоген омилларининг таъсирини ҳамда одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан хасталанган беморларда МАТнинг шикастланишини этиологик тузилмаларини асослашдан иборат. Цитомегаловирусли энцефалит, криптококкли менингоэнцефлитларни клиник-лаборатор ўзига хосликларини баҳолашни ташхислаш мезонларини ишлаб чиқишдан иборат. ОИВ билан зарарланган беморларда криптококк ва цитомегаловирус инфекцияси реактивациясини ташхислашда серологик ҳамда ген-молекуляр тадқиқот натижаларни ахборотлилигининг самарадорлигини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, юқумли касалликларни тарқалиши, ташхислаш, даволаш ва олдини олиш, асоратларини камайтиришни талаб қилади. «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий

<sup>1</sup>Garvey L, Winston A, Walsh J, et al. HIV-associated central nervous system diseases in the recent combination antiretroviral therapy era. Eur J Neurol2011; 18:527–34

<sup>2</sup>Collier Dami Aderonke , Lewis Haddow , et al. HIV Cerebrospinal Fluid Escape and Neurocognitive Pathology in the Era of Combined Antiretroviral Therapy: What Lies Beneath the Tip of the Iceberg in Sub-Saharan Africa?Review// Brain Sci. 2018, 8, 190

стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>3</sup> каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар ОИВ-инфекцияли беморларда МАТ зарарланиши билан кечадиган оппортунистик инфекцияларнинг клиник-патогенетик хусусиятларини ташхислаш ва даволашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ногиронлик ва ўлим сабабларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5590-сон Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 25 январидagi ПҚ-3493-сон «Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси томонидан чақириладиган касалликларни тарқалишига қарши таъсир тизимини келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** ОИВ-инфекцияли беморларда МАТ зарарланиши билан кечадиган оппортунистик инфекцияларнинг клиник-патогенетик хусусиятлари, ташхислаш ва даволашни оптималлаштиришга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of California San Diego, University of Washington, Mount Sinai Medical Center, University of Vermont, Vaccine Research Center - NIAID – NIH, Boston College (АҚШ), Universidad Autónoma de Chile (Чили); University of Rome Sapienza, University of Torino (Италия), Chinese Academy of Medical Sciences,

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

<sup>4</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. [www.uautonoma.cl](http://www.uautonoma.cl), [www.yale.edu](http://www.yale.edu), [www.ucsd.edu](http://www.ucsd.edu), [www.mountsinai.org](http://www.mountsinai.org), [www.uniroma1.it](http://www.uniroma1.it), [www.unito.it](http://www.unito.it), [www.uvm.edu](http://www.uvm.edu), [www.niaid.nih.gov](http://www.niaid.nih.gov), [www.cams.cn](http://www.cams.cn), [www.bc.edu](http://www.bc.edu), [www.gzhmu.edu.cn](http://www.gzhmu.edu.cn), [www.university.sunway.edu.my](http://www.university.sunway.edu.my), [www.ucsf.edu](http://www.ucsf.edu); [www.ubc.ca](http://www.ubc.ca); [www.karolinska.se](http://www.karolinska.se); [www.hsc.unm.edu](http://www.hsc.unm.edu); [www.unife.it](http://www.unife.it); [www.si.mahidol.ac.th](http://www.si.mahidol.ac.th); [www.uog.edu.et](http://www.uog.edu.et); [globalhealth.duke.edu](http://globalhealth.duke.edu); [www.ucl.ac.uk](http://www.ucl.ac.uk); [www.washington.edu](http://www.washington.edu); [www.ucms.ac.in](http://www.ucms.ac.in); [www.uab.cat](http://www.uab.cat); [www.umontpellier.fr](http://www.umontpellier.fr); [twin-cities.umn.edu](http://twin-cities.umn.edu); [www.uchile.cl](http://www.uchile.cl); [en.uniroma1.it](http://en.uniroma1.it); [www.ufmg.br](http://www.ufmg.br); [www.upb.edu](http://www.upb.edu). сова бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Guangzhou Medical University (Хитой), Duke Global Health Institute, University of British Columbia (Канада), Karolinska University (Швеция), University of New Mexico (Мексика), University of Ferrara (Италия), University of Gondar (Эфиопия), University College London (Буюк Британия), Universitat Autònoma de Barcelona (Испания), Université de Montpellier (Франция), Universidad de Chile (Чили), Sapienza University of Rome (Италия), Universidade Federal de Minas Gerais (Бразилия), Universidad Pontificia Bolivariana (Колумбия), Mahidol University (Тайланд); Sunway University (Малайзия), University College of Medical Sciences (Ҳиндистон); University of Barcelona (Испания), Florence University (Италия), Вирусология илмий текшириш институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Жаҳонда ОИВ-инфекцияли беморларда МАТ зарарланиши билан кечадиган оппортунистик инфекцияларнинг клиник-патогенетик хусусиятлари, ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш йўналтирилган илмий тадқиқотлар юзасидан қатор илмий натижалар олинган: жумладан, ОИВ билан зарарланган беморларни даволаш дори воситаларнинг тизимли қўлланилиши натижасида буйрак етишмовчилигининг ривожланиши ва асоратларининг келиб чиқиши исботланган University of California (АҚШ), юқори фаол ОИВга қарши даволовчи дори воситаларнинг токсик жиҳатдан заҳарлилиги натижасида қатор хужайралараро оксилларнинг парчаланишига олиб келиши, организмнинг қаршилигини пасайишини инобатга олиб, зарарли таъсирини ўрганилган дори воситаларини даврий равишда ўзгартириб туришни тақоза қилиши асосланган Sunway University (Малайзия); ОИВ билан зарарланган беморларнинг аксарият қисми ОИВ билан эмас, балки вирусли гепатитнинг С тури ва бошқа юқумли касалликлар билан амбулатор шароитларда даволаниши ҳамда касалликнинг бошқа юқумли ва соматик касалликлар билан шифохоналарда рўйхатдан ўтганлиги асосланган University of British Columbia (Канада); туберкулез билан хасталанган беморлар орасида ОИВ билан зарарланиш даражасининг пасайиши, сил билан касалланиш даражасини пасайтириш, ва улар орасида ОИВга қарши профилактик даво тизими қўллаш зарурлиги исботланган University of Gondar (Эфиопия); ОИВ билан зарарланишни камайтириш ва ўлим кўрсаткичини пасайтиришнинг асосида ўз вақтида ташхислаш, касалликка қарши қаратилган антиретровирус даволаш тизimini қўллаш University College London, (Буюк Британия) ва генитал органлар орқали юқишини олдини олишга қартилган даво тизимидан кенг фойдаланиш зарурлиги исботланган University of Washington (АҚШ); ОИВ-инфекцияли беморларда антиретровирус терапия самарали қўллаш натижасида беморларнинг шифохонада даволаниши натижасида оппортунистик инфекцияларнинг тарқалишини камайиши ва ўлим кўрсаткичининг пасайганлиги аниқланди Universidad Pontificia Bolivariana (Колумбия); организмнинг метаболик жараёнларининг бузилиши ОИВ билан зарарланиш ёки ҳаёт тарзининг издан чиқиши, шунингдек ОИВ терапиясини қўллаш дислипидемиянинг кучайиши, юрак-қон томир тизими касалликларининг асоратини кучайтириши исботланган Universidade Federal de Minas Gerais (Бразилия); ОИВ-инфекцияли беморларда МАТ зарарланиши билан кечадиган оппортунистик инфекцияларнинг клиник-патогенетик хусусиятлари, ташхислаш ва даволаш тартибини оптималлаштириш Вирусология илмий текшириш

институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Дунёда ОИВ-инфекцияли беморларда МАТ зарарланиши билан кечадиган оппортунистик инфекцияларнинг клиник-патогенетик хусусиятлари, ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ОИВ билан хасталанган беморларда марказий асаб тизимини шикастланиши бўлган оппортунистик касалликларни серологик ва молекуляр-генетик текшириш асосида лаборатор текширувлар асосланган; ОИВ билан касалланган беморларда цитомегаловирус инфекциясини ташхислаш ва даволаш алгоритмларини ишлаб чиқиш; цитомегаловирус реактивацияси бўлган шахслар ва ОИВ билан зарарланган беморлар криптококкози ҳамда цитомегаловирус инфекциясида МАТни шикастланишини ташхислашга ёндошувларни асослаш ва иқтисодий самарадорликни баҳолаш; нейрокогнитив ва ҳаракат бузилишлари, шунингдек, цитомегаловирусли энцефалит билан хасталанган беморларда цитомегаловирусни реактивацияси нутқи назаридан Ганцикловир билан алтернатив даволаш самарадорлигини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Даромад даражаси юқори бўлган мамлакатларда антиретровирус терапияни жорий этилиши МАТ оппортунистик инфекциялари ҳолатини кескин пасайтирди [d`Arminio Monforte et al, 2004; Ik Lin Tan et al, 2016; Kiran T. Thakur et al, 2018]. Кўплаб мамлакатларда МАТнинг тузилмавий шикастланишлари ўрганилди [А.Б.Перегудова ва бошқ., 2013; Fritzie Albarillo and Paul O`Keefe, 2016; А.С.Шеломов ва бошқ. 2016]. МАТни шикастланишини чақирувчи энг муҳим оппортунистик инфекциялардан бири бўлган цитомегаловирус (ЦМВ) инфекцияларининг муаммоси ўрганилди [Silva et al., 2010; Gianelle et al., 2016]. ОИВ ва цитомегаловирус ўртасидаги ўзаро таъсир, иммун тикланишга қарамасдан такрорланиш; антиретровирус терапияни бошланишини 6 ой ва ундан кўп вақт давомида мунтазам текширишни талаб этадиган  $CD<100$ кл/мкл миқдори каби ЦМВ инфекциясини фаоллаштирилишини хавф омиллари аниқланди [EL Fane M. et al., 2016; Freeman L. et al, 2016]. Адабиётларда ЦМВ инфекцияси реактивациясини ташхислаш усулларига кўплаб ишлар бағишлангандир [Wohl D.A. et al., 2009; Mayaphi N.Simmikiwe et al., 2014]. Шунинг учун ЦМВ реактивациясини эрта ва ўз вақтида аниқлаш ОИВ билан касалланган беморларни даволаш учун биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Криптококк инфекция билан касалланиш айниқса Африка ва Осиё мамлакатларида юқориликча қолмоқда. Ривожланган мамлакатларда истиқомат қилувчи ОИВ билан касалланган беморлардаги криптококкли менингитдан ўлим кўрсаткичи 14-26%ни ташкил этиши билан солиштирилганда африкалик ОИВ беморлардаги ўлим даражаси 35%-65%ни ташкил этади [Lessells R.J. et al., 2011; McKenney J. et al., 2014; Rajasingham R. et al., 2017]. Сўнгги уч йилликдаги ОИВ пандемиясида криптококкли менингитни ташхислаш ва даволашни яхшилаш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар ўтказилди, бу халқаро қўлланмаларни қайта кўриб чиқишга олиб келди [Jarvis J.N.et al., 2010; Meya D. 2015; Williamsin P.R.et al, 2016].

Ўзбекистонда одам иммунитет танқислиги вируси билан зарарланган беморларни ташхислаш ва даволаш борасида қатор илмий ишлар олиб борилган



[Мусабаев Э.И., 2015, 2016; Худайқулова Г.К, 2017]. ОИВ инфекцияли беморларда антиретровирус терапия самарадорлигининг клиник-патогенетик жиҳатлари оптималлаштирилган [Байжанов А.К, 2017], бироқ, ОИВ-инфекцияли беморларда марказий асаб тизими зарарланиши билан кечадиган оппортунистик инфекцияларнинг клиник-патогенетик хусусиятлари, ташхислаш ва даволашни оптималлаштиришга қаратилган ишлар бажарилмаган.

Маҳаллий адабиёт маълумотлари бўйича маълум бўлдики, бизнинг республикамизда ОИВ билан касалланган беморларда МАТни шикастланиши билан оппортунистик инфекциялар муаммоси ўрганилмаган. МАТ шикастланишини этиологик тузилмаси, ОИВ билан касаллаган беморларда ЦМВ реактивацияси, криптококкозни тарқалганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд эмас. МАТнинг шикастланиши билан кечадиган оппортунистик инфекцияларни лабораторияда ташхисланиши бўйича ишлар жуда оз миқдорда нашр этилган. Буларнинг барчаси МАТни шикастланиши билан оппортунистик инфекцияларни ташхислаш ва даволашни оптималлаштиришга оид тадқиқотларни ўтказиш зарурлигини тақазо этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Вирусология илмий текшириш институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС 15.20.3 «ОИВ инфекция билан хасталанган беморларда нейроинфекцияларни ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш ҳамда ретровирусларга қарши самарасиз даволаш сабабларини аниқлаш бўйича тизимли чора тадбирларни ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган (2015–2017 йиллар).

**Тадқиқотнинг мақсади** ОИВ-инфекция билан хасталанган беморларда марказий асаб тизими шикастланиши билан оппортунистик касалликларни эрта ташхислаш ва даволашни оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ОИВ билан хасталанган беморларда марказий асаб тизимининг шикастланишини этиологик тузилмаларини баҳолаш;

цитомегаловирусли энцефалит, криптококкли менингоэнцефлитларни клиник-лаборатор ўзига хосликларини ўрганиш, қиёсий ташхислаш мезонларини баҳолаш;

цитомегаловирус инфекциясининг реактивацияси, криптококкли инфекция билан хасталанган, ЦМВ реактивациясиз ва криптококкозсиз касалланганлар билан хасталанган беморларда нейрокогнитив ва ҳаракат бузилишларини учраш сонини баҳолаш;

ОИВ билан зарарланган беморларда криптококк ва ЦМВ реактивациясини ташхислашда серологик ҳамда ген-молекуляр текшириш усулларини маълумотлилигини баҳолаш;

ОИВ билан касалланган беморларда марказий асаб тизимини шикастланиши бўлган оппортунистик касалликларни (ЦМВ, криптококкоз) серологик ва молекуляр-генетик текшириш асосида алгоритм ишлаб чиқиш; ОИВ билан касалланган беморларда ЦМВ-инфекциясини ташхислаш ва даволаш тизимини ишлаб чиқиш;.

ЦМВ реактивацияси бўлган шахслар ва ОИВ билан зарарланган беморлар криптококкози ҳамда ЦМВ-инфекциясида МАТни шикастланишини ташхислашга ёндошувларни асослаш ва иқтисодий самарадорликни баҳолаш;

нейрокогнитив ва ҳаракат бузилишлари, шунингдек, ЦМВ-энцефалит билан хасталанган беморларда ЦМВ реактивацияси нутқи назаридан Ганцикловир билан алтернатив даволаш самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2012-2019 йиллар давомида Республика ОИТСга қарши кураш марказининг диспансер кузатувидаги 199 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб кузатилаётган беморларнинг орқа мия суюқлиги ва қон материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, биокимёвий, серологик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ОИВ билан зарарланган беморларда марказий асаб тизимининг шикастланиши цитомегаловирусли, криптококкли, токсоплазмали ва герпетик этиологияли омиллар билан боғлиқлиги асосланган;

цитомегаловирус инфекциялари реактивациясини ташхислаш учун серологик ва молекуляр генетик текшириш усуллари ташхисий қиймати исботланган;

ОИВ билан зарарланган беморларда цитомегаловирус коинфекцияси ва криптококк инфекциясини учраш сони ва клиник намоён бўлиши исботланган;

криптококкли инфекция ва цитомегаловирус инфекциясининг ўзига хосликларини қиёсий-ташхислаш тартиби ишлаб чиқилган;

ОИВ-энцефалопатия, цитомегаловирус энцефалити ва криптококкли менингоэнцефалитни клиник-лаборатор намоён бўлиши асосланган;

энцефалитлар ва цитомегаловирус инфекция реактивациясини ташхислаш тизими ишлаб чиқилган.

ОИВ-энцефалопатия, цитомегаловирусли энцефалит ва криптококкли менингоэнцефалитни клиник-лаборатор намоён бўлиши асосланган;

энцефалитлар ва цитомегаловирус инфекция реактивациясини ташхислаш тизими ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ОИВ билан зарарланган беморларда криптококкли инфекция ва ЦМВ реактивациясини клиник-лаборатор белгилари баҳоланган;

ОИВ билан зарарланган беморларда ЦМВ реактивациясини ташхислашда молекуляр-генетик текшириш усуллари маълумотлилиги исботланган;

ОИВ билан зарарланган беморларда криптококк инфекциясининг ва ЦМВ билан коинфекциянинг клиник ва лаборатор куруниши аниқланган;

ЦМВнинг реактивацияси ва МАТни шикастланишини ташхислаш тизими ишлаб чиқилган;

Цитомегаловирусли энцефалитли беморлар ва цитомегаловирус реактивацияси билан хасталанганларда Ганцикловир билан монотерапияни қўллаш самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий

ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, серологик, молекуляр-генетик ва статистик усуллар асосида ОИВ инфекцияли беморларда марказий асаб тизими зарарланиши билан кечадиган оппортунистик инфекцияларнинг клиник-патогенетик хусусиятлари, ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти биринчи марта АРВТ даврида ўткир ва латент неврологик белгилар билан бўлган ОИВ-инфекцияли беморларда МАТнинг этиологик тузилмавий шикастланиши аниқланди. ЦМВ реактивацияси ва криптококкли инфекцияларни ташхислаш учун серологик, молекуляр-генетик (микдорий ва сифатий) текширишларнинг ташхисий маълумотлилиги (қиймати) ҳамда CD4 га боғлиқлигини учраш сони аниқланди.

ЦМВИ беморларини даволашда Ганцикловир орфан дори воситаси билан ўтказилган монотерапиянинг самарадорлиги асосланди. Неврологик белгили беморларда криптококкли инфекцияни учраш сони аниқланди, клиник белгилар асосида қиёсий – ташхисий мезонлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** ОИВ-инфекцияли беморларда марказий асаб тизими зарарланиши билан кечадиган оппортунистик инфекцияларнинг клиник-патогенетик хусусиятлари, ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«ОИВ-инфекциясида марказий асаб тизими оппортунистик инфекцияларини ташхислаш ва даволаш алгоритми» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 05 ноябрдаги 8н-з/142-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ташхислаш сифатини яхшиланиши, этиотроп даволашни қўллаш ва марказий асаб тизими шикастланганда ўлим билан яқунланиш ҳолатларини пасайтиришга олиб келиши, эрта ташхислашни ахборотлаш ва олдини олишнинг самарали амалга ошириш имконини берган;

«ОИВ билан зарарланган беморларда цитомегловирусли инфекцияни ташхислаш ва даволаш алгоритми» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 05 ноябрдаги 8н-з/142-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ташхислаш сифатини оширишга, этиотроп даво хисобига ўлим ҳолатларини пасайтиришга имконини берган;

ОИВ-инфекцияли беморларда марказий асаб тизими зарарланиши билан кечадиган оппортунистик инфекцияларнинг клиник-патогенетик хусусиятлари, ташхислаш ва даволашни оптималлаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ОИТСга қарши курашиш маркази илмий–амалий тиббиёт маркази шифохонаси ва Андижон вилояти юқумли касалликлар шифохасининг клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 05 ноябрдаги 8н-з/142-сон

маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ОИВ-инфекцияли беморларда марказий асаб тизими зарарланиши билан кечадиган оппортунистик инфекцияларнинг эрта ташхислаш ва даволаш тартибини оптималлаштириши имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 180 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалар ҳамда тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишини Ўзбекистон Республикасининг фан ва технология ривожланишининг устун йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгилиги ёритилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалий тиббиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«ОИВ-инфекцияли беморларда МАТнинг оппортунистик инфекцияси муаммолари ва замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида ОИВ инфекциясида МАТнинг шикастланиш этиологияси тўғрисидаги; МАТнинг шикастланиши билан криптококкли ва цитомегаловирусли инфекция билан оғриган беморларда тарқалганлик, касалликни клиник кечиши, ташхислаш ва қиёсий ташхислаш, даволаш тўғрисидаги замонавий маълумотлар таҳлил қилинган. Танлаб олинган ишнинг долзарблиги ва бизнинг минтақамизда мазкур патологияни ўрганиш зарурияти асосланган.

Диссертациянинг **«Текширилаётган беморларнинг хусусиятлари ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида нейрокогнитив бузилишлари билан бўлган ОИВ-инфекция билан хасталанган 199 нафар беморда ўтказилган текшириш натижалари баён этилган. Тадқиқотда ЖССТ томонидан тавсия этилган текшириш усулларида фойдаланилди. Беморлардан олинган қон серологик ва молекуляр-генетик текшириш усуллари ёрдамида ўрганилди. Орқа мия суюқлиги (ОМС) молекуляр-генетик текшириш усуллари ёрдамида баҳоланди. «ОИВ-инфекция» ташхиси Республика ОИТС билан кураш бўйича Марказ мажмуасининг лабораториясида тасдиқланди. ОИВ-позитив беморларини даволаш фонида вирусли юклама полимераз-занжирли реакция

(ПЗР) ёрдамида аниқланди, CD4 – хужайралар (Т-лимфоцитлар) миқдорини аниқлаш эса оқимли цитофлуометрия усули ёрдамида олиб борилди.

Беморларда ОИВнинг клиник босқичини аниқлаш учун асос қилиб, Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2018 йилдаги №277 сонли буйруғи бўйича клиник баённомалар олинди.

Лаборатор текширишлар ССВнинг Референс-лабораториясида олиб борилди. ПЗР ташхислаш «АмплиСенс®» реагентлар жамланмасини қўллаш билан Rotor Gene Q анализаторида ўтказилди. Қондаги ва орқа мия суюқлигида ўтказилган текширувлар 1-жадвалда келтирилган. Беморлар ҳолатини оғирлигини аниқлаш учун Memorial-Sloan-Kettering (MSK) шкаласи бўйича таснифланди. Шунингдек, барча беморларга хотирани сақланиши, рухий мотор тезлик ва конструкциялаш қобилиятини сақланиб қолганлигини текширишга асосланган ОИВ-деменциясини модификацияланган халқаро шкаласи бўйича нейрокогнитив бузилишларни (НКБ) аниқлаш учун психометрик тест ўтказилди.

## 1-жадвал

### Ўтказилган текширувлар

Текшириш турлари	Биоматериал	Намуналар миқдори
ПЗР РНК ОИВ	ОМС	45
ПЗР РНК ОИВ	Қон	121
CD4	Қон	186
ПЗР ДНК ЦМВ миқдорий аниқлаш	қон	196
ПЗР ДНК ЦМВ миқдорий аниқлаш	Қондаги лейкоцитлар	85
ПЗР ДНК ЦМВ сифатий аниқлаш	ОМС	58
ПЗР ДНК ВПГ ½ типдаги сифатий аниқлаш	ОМС	54
ПЗР ДНК <i>Cryptococcus neoformans</i>	ОМС	56
ПЗР ДНК <i>Cryptococcus neoformans</i>	Қон	65
ПЗР ДНК <i>Toxoplasma gondii</i>	ОМС	45
Тезкор-тест LFA	Қон	54
ИФА ЦМВ IgM	Қон	132
ИФА ЦМВ IgG	Қон	132
ИФА <i>Toxoplasma gondii</i> IgG	Қон	212

Маълумотлар базасини статистик таҳлили SPSS (v20, IBM, Chicago, IL, USA) дастур таъминотини қўллаш билан бажарилди. Ўрганиладиган ўзгарувчилар учун баён этилувчи статистик маълумотлар ўртача белги ± сифатида тақдим этилди, узлуксиз ўзгаришларни меъёрий тақсимланиши учун стандарт силжишлар олинди, узлуксиз ўзгаришларни меъёрий тақсимланмаслиги учун кварталаро диапазон билан медиана ва тоифали ўзгаришлар учун фоизлар нисбати билан сон тақдим этилди. Узлуксиз маълумотларни меъёрида тақсимланиши учун (2 ўзгарувчини таққослаш учун) ўзгаришлар Стюдент t-тести ва тоифали маълумотлар учун Chi-квадрат тести ёрдамида ўзаро қиёсланди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқлар гуруҳлар ўртасидаги жуфт комбинацияларни солиштириш учун (3 гуруҳ ва ундан юқори) кейинчилик

LSD/Turkei/Dunnet C махсус тестли бир томонлама дисперсион таҳлил (ANOVA) ёрдами билан аниқланди. Мантикий бинар регрессия сабаб-оқибат алоқасини аниқлаш учун бажарилди. Dots ва Box plot жадваллари SPSS дастурини таъминлашда ўрнатилган тенгламалар бўйича ҳисобланган белгиларни визуализация қилиш учун қўлланилди, бу ўз ичига бешта рақамдан иборат бўлган энг кам белгилар, 25%, меѓина бўйича (50%), 75% ва ўзгаришларнинг энг юқори белгиси, шунингдек outliers (95% ишончли интервалга тушмайдиган белгилар) маълумотлар йиғиндиси асосида ўзгарувчи белгиларнинг тақсимланишини кўрсатиш учун фойдаланилади.

Диссертациянинг **«ОИВ-инфекцияли беморларда менинго-энцефалитлар»** деб номланган учинчи бобида цитомегаловирусли ва криптококкли менингоэнцефалитларни учраш сони, клиник намоён бўлиши, лаборатор маълумотлари, беморларни асбоб-ускунлар билан текшириш натижалари баён этилган. АРВТ даврида МАТни оппортунистик инфекцияларни тарқалишини ўрганишда аниқландики Ўзбекистон Республикасида нейрокогнитив ва ҳаракатланишида бузилишлари бўлган ОИВ билан оғриган беморларда МАТнинг шикастланиши кўпроқ ОИВ-энцефалопатия (49,2%) билан боғлиқ бўлган бўлса, МАТни оппортунистик инфекциялар билан шикастланиши орасида криптококкли менингоэнцефалит (43,5%) ва цитомегаловирусли менингоэнцефалит (40,9%) юқори кўрсаткичларга эга бўлди; ½ типидagi оддий герпес вируси ва бош мия токсоплазмози жуда кам холларда учради. Асосланганки, цитомегаловирусли энцефалит (ЦМВЭ), криптококкли менингоэнцефалит (КМЭ) ва ОИВ-энцефалопатияда (ВИЧЭ) ОИВ-деменциясининг Халқаро шкаласи ва MSK шкала бўйича нейрокогнитив ва мотор бузилишларнинг оғирлиги ўртасидаги холат ишончли бўлиб ҳисобланмайди ва турли этиологияли менингоэнцефалитларда (МЭ) оғир ахволдаги беморлар бир хил даражада учрайди.

Холатлар ва клиник белгилардан менингеал белгилар ( $p < 0,05$ ), қусиш ( $p < 0,01$ ) ва ретинит ( $p < 0,01$ ) ларнинг мавжудлиги гуруҳлар ўртасида статистик ишончли фарқ қилди. Барча беморларга ПЗР усули билан қонда ЦМВни сифатли аниқлаш ўтказилди, бунда КМЭли 61,5% беморларда ЦМВ ДНКси, ОИВ-энцефалопатияли 40,7% беморларда мусбат натижани кўрсатди. Миқдорий кўрсаткичлар ўрганилганда CD4 ( $p > 0,05$ ), қонда ОИВ вирус юкламаси (ОИВ ВЮ) ( $p > 0,05$ ) ва ОМСда ОИВ ВЮ ( $p > 0,05$ ) гуруҳлари ўртасида статистик ишончилилик аниқланмади. Шунингдек қоннинг умумий таҳлил кўрсаткичлари ишончли бўлмади ( $p > 0,05$ ). Орқа мия суюқлиги кўрсаткичларидан ҳужайралар сони гуруҳлар ўртасида статистик ишончли фарқларга эга бўлди ( $p = 0,014$ ).

Диссертациянинг **«ОИВ билан зарарланган беморларда цитомегаловирусли инфекция»** деб номланган тўртинчи бобида ЦМВ-инфекциясининг реактивациясининг клиник белгиларини ўрганиш учун бизлар томонимиздан 80 нафар беморлардан иборат гуруҳ ажратиб олинди. Улардан эркаклар 42 (52,5%), аёллар 38 (47,5%) нафарни ташкил этди. МАТнинг шикастланишини оғирлигини ўрганишда аниқландики, барча беморлар у ёки бу даржадаги нейрокогнитив бузилишларга эга бўладилар. MSK шкаласи бўйича оғир ва якуний босқичга 48 нафар (60%) беморлар эга бўлдилар, 32 нафар (40%)

беморларда эса нейрокогнитив бузилишлар оғир бўлмади. Улардан 25 нафар беморда орқа мия пункцияси ўтказилди. Орқа мия суюқлигида ЦМВ 14 нафар (56%) беморда аниқланди ва уларга ЦМВ-энцефалит ташхиси қўйилди. Шунингдек, нишон-органларни шикастланиши билан бўлган беморлар ҳам аниқланди: 30,8% да ретинит, шунингдек 17,5%да мазкур ҳолат энцефалит билан бирга кузатилди.

Бизнинг олдимизга шундай гипотеза қўйилдики, цитомегаловирус реактивацияси ОИВ-инфекция билан оғриган беморларни камқонликка олиб келади. Ушбу гипотезани тасдиқлаш учун бизлар томонимиздан ЦМВ реактивациясиз ва криптококкозсиз (I - гуруҳ) 99 нафар бемор ҳамда ЦМВ реактивацияли 77 нафар (II - гуруҳ) беморда гемоглобинни қиёсий ўрганиш ўтказилди. Беморларнинг биринчи гуруҳида гемоглобин кўрсаткичлари  $98,8 \pm 1,9$  г/л (95% ишончлилиқ оралиғи (ИО) 95,1-102,5) ни ташкил этди, ЦМВ реактивацияли иккинчи гуруҳ беморларидаги гемоглобин кўрсаткичлари  $93,9 \pm 2,3$  г/л (95% ИО 89,3-98,6) ни ташкил этди. I ва II гуруҳлар ўртасида гемоглобин кўрсаткичининг статистик ишончли фарқи аниқланмади ( $p > 0,05$ ). Шундай қилиб, ЦМВ реактивацияси натижасида ОИВ-инфекцияси билан оғриган беморларда камқонликни ривожланиш гипотезаси бизлар томонимиздан олиб борилган тадқиқотларда ўз исботини топмади.


ЦМВ реактивациясини ташхислаш усуларини маълумотлилигини қиёслаш мақсадида беморларда учта текшириш усули ўтказилди, улар: ЦМВ га IgM ва IgG ни аниқлаш ИФА усули, ЦМВ ДНКни сифатий ва миқдорий жиҳатдан аниқлаш ПЗР усули. ИФА-тестининг махсуслиги 77,1%ни, сезувчанлиги эса 53%ни ташкил этди. Реактивация шаклини - латент ёки фаол репликацияни аниқлаш мақсадида бизлар томонимиздан CD4 330 хужайра/мкл дан кам 85 нафар беморда ЦМВнинг вирусли юкламаси (ЦМВ ВЮ) ўрганилди. ЦМВ ДНКнинг миқдорий ПЗРси аниқладикки, CD4 < 50 хужайра/мкл дан кам беморларнинг ярми (52,4%) ЦМВ реактивациясига эга бўлди ва 28,6% да ЦМВ ВЮ 1000 нусха/мл дан ортиқ кўрсаткичга эга бўлди, улар учун антицитомегаловирусли даволаш кўзда тутилиши лозим.

Бизларнинг олдимизга CD4, ОИВ ВЮ ва ЦМВ ВЮ ўртасидаги сабаб-оқибат алоқасини аниқлаш вазифаси қўйилди. Аниқландики, қонда ОИВ ВЮнинг ортиши билан ЦМВ ВЮ ортади – қон таркибида ЦМВ ВЮни ортиши қондаги ОИВ ВЮ га 26,9% боғлиқ бўлади ( $r=0,519$ ,  $p < 0,001$ ). ЦМВ ВЮни ортиши билан CD4 хужайраларининг миқдори камаяди – ЦМВ ВЮни CD4 кўрсаткичига 18,0% боғлиқ бўлади ( $r=0,424$ ,  $p < 0,001$ ). ЦМВ инфекциясида вирусли репликация CD4 хужайраларининг кўрсаткичлари 50 кл/мкл бўлганда, ОИВнинг кўрсаткичлари - CD4 100 кл/мкл дан кам бўлганда ишончли равишда юқори ( $p < 0,001$ ).

ОИВ билан касалланган беморларда энцефалит предикторларини аниқлаш учун Wald усули билан логистик регрессия ўтказилди: қонда ЦМВ ВЮни 1  $\log_{10}$ га ортиши билан ЦМВ-энцефалитни ривожланиш сони 10,7 мартага ( $p=0,001$ ) ортади, ретинит мавжуд бўлган ҳолларда эса ЦМВ энцефалитнинг ривожланиш ҳавфи 12,5 мартага ( $p=0,0001$ ) юқори бўлади.

ЦМВ реактивацияси ва ЦМВ-энцефалит билан хасталанган,

нейрокогнитив ва ҳаракатида бузилишлари бўлган беморларга Фоскарнетни доим ҳам қўллашнинг имкони бўлмаганлиги сабабли Ганцикловир билан якка холдаги даволаш таклиф этилди.



### 1-расм. ЦМВ реактивация ва ЦМВ-энцефалитли беморларни даволаш самарадорлиги

ЦМВ реактивацияси ВЮнинг 1000 нусха/мкл дан ортиқ бўлган беморларни даволашда Ганцикловир билан якка холда даволаш беморларнинг яшовчанлигини 1,1 мартага ( $p < 0,001$ ) оширди. ЦМВ-энцефалитни Ганцикловир билан якка холда даволаш беморларнинг яшовчанлигини 1,3 мартага ( $p = 0,013$ ) оширади (1-расм).

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида бизлар томонимиздан ОИВ-билан касалланган беморларда ЦМВ инфекция реактивациясини ташхислаш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг «**ОИВ билан хасталанган беморларда криптококкли инфекция**» деб номланган бешинчи бобида нейрокогнитив ва ҳаракатланишида бузилишлари бўлган ОИВ нинг IV босқичидаги беморларда криптококкли ташхислашни ўтказиш учун олиб борилган ишлар баён этилган, бунинг учун 65 нафар беморлар қонини криптококк антигенига ПЗР ва экспресс-метод усули билан тешлаш ўтказилди. Мусбат натижалар 16 нафар беморлардан олинди, бу 24,6%ни ташкил этди. 43,7% беморда криптококкли менингит ОИВнинг биринчи клиник белгиси бўлиб ҳисобланди.

Беморлар келиб тушганида улардан 12 нафари (75%) нинг ахволи оғир ва ўта оғирлиги аниқланди, улар MSK шкаласи бўйича 3 ва 4 босқичга тўғри келади. Кўрик вақтида барча беморларда (100%) озиб кетиш синдроми, 5 (31,2%) нафарида диарея аниқланди, 11 нафар (68,7%) беморда 1 ой давомида иситма кузатилган бўлса, 4 нафарида (25%) - ЛАП аниқланди. Оппортунистик инфекциялардан: пневмоцистли зотилжам 1 нафар (6,2%) беморда,



орофарингеал кандидоз – 7 нафар (43,7%) беморларда аниқланди. Етакчи белгилар бўлиб, бош мия пардасининг шикастланиши 87,5% ва барча кузатилган беморларда – 100% тана вазнининг пасайиши бўлиб ҳисобланди. Лаборатория маълумотларини таҳлилида CD4  $64,9 \pm 14,8$  (95% ИО 31,9-97,9) ҳужайра/мкл ни ташкил этди. Қондаги ОИВ ВЮ  $5,6 \pm 0,3 \log_{10}$  (95% ИО 5,0-6,2)ни, ОМСда эса ОИВ ВЮ  $5,2 \pm 0,3 \log_{10}$  (95% ИО 4,5-6,0)ни ташкил этди, яъни ОМСда ОИВ ВЮ қонга нисбатан 0,4  $\log_{10}$  га кам бўлди. Клиник белгилар гуруҳлар ўртасида статистик ишончли фарққа эга бўлмади. ЦМВсиз криптококкли инфекциялар билан солиштирилганда ЦМВ коинфекциясида гемоглобин кўрсаткичлари паст, ЭЧТ эса юқори бўлди ( $p < 0,05$ ).

